Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (5899).

23 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ҚУДРАТЛИ ПОСБОНИ

Генерал-майор
Л. Ф. КАДАЦКИЙ,
Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Бундан эллик тўққиз йил муқаддам Совет давлати душманларига қарши суронли революцион жангларда туғилган қаҳрамон Қуролли Кучларимиз шонли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Владимир Ильич Ленин, Коммунистик партия раҳбарлигида ташкил топган шонли Қуролли Кучларимиз оғир синовларда чиниқди, тобланди, мустаҳкамланди. Мана, эллик тўққиз йилдирки Октябрь қўлга киритган буюк ғалабаларни қўриклаб келмоқда.

Бу йил мамлакатимиз Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куннни партиямизнинг XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш иштиёқи жўш ўрган вазиятда нишонламоқда. Ленин партияси белгилаб берган Коммунистик бунёдкорлик улкан режаларини амалга ошириш, совет кишиларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан эришаётган ютуқлари жангчиларимизни ҳам янги марраларга ундамоқда. Ватан посбонлари ўз бурчларини аъло даражада ўташ билан бирга, Улуғ Октябрь байрамининг 60 йиллигини ҳарбий жанговар маҳоратни оширган ҳолда кутиб олишмоқда.

Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 28 январда Ишчи—деҳқон Қизил Армияси ҳамда ўша йил 11 февралда Ишчи-деҳқон Қизил Флотини ташкил этиш тўғрисидаги Декрети билан Қуролли Кучларимизга асос солинди. Бу йиллар ёш совет республикаси учун энг оғир дамлар бўлди. Вақтинчалик рўй берган қийинчиликлардан фойдаланган кайзер Германияси қўшинлари бутун рус-герман фронтида ҳужумга ўтишди. Ёш совет республикасининг ҳаёти ҳавф остида қолди.

Коммунистик партия ишчи ва деҳқонларга мурожаат қилиб, қўлга қурол олишга, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга чақирди. Ленин Декретига жавобан жойларда биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилиш учун меҳнаткашлар оммавий равишда Қизил Армия сафига қўшила бошладилар. Қизил аскар отрядлари қизил гвардиячилар билан бирга фронтга йўл олиб, душман билан шиддатли жанглар қилди. 23 февралга келиб, немис қўшинларининг Петроград томон қилаётган ҳужуми тўхтатилди. Ёш Қизил Армия душманга Нарва ва Псков остоналарида қаҳшатқич зарба берди. Бу кун Ватанимиз тарихига шонли Совет Қуролли Кучларининг туғилган куни бўлиб кирди.

Совет Армияси ва Ҳарбий Мамлакатимиз уч йил оғир гражданлар урушини бошидан кечирди. Ёш Қизил Армия жуда оғир ва мураккаб шароитларда жанг қилди. Совет жангчилари мисли кўрилмаган жасорат ва қаҳрамонлик билан Колчак, Деникин, Юденич, Врангель ва бошқа унсурларни тор-мор этди. Граждан уруши жангларида тобланган Қизил Армия катта жанговар тажриба тўпладн. Унинг сафларида талантли ҳарбий саркардалар, қўшинларда партиявий-сиёсий ишларнинг ташкилотчилари етишиб чиқди. Булар М. В. Фрунзе, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, В. К. Блюхер, С. С. Вострецов, П. Е. Дибенко, А. И. Егоров, С. К. Тимошенко, М. Н. Тухачевский, И. П. Уборевич, Я. Ф. Фабрициус, И. Ф. Федько, И. Э. Якир ва бошқалардир. Граждан урушн қаҳрамонлари В. И. Чапаев, Г. И. Котовский, Н. А. Щорс, А. Я. Пархоменко, С. Г. Лазо ва бошқалар ўз номларини абадий қаҳрамонлик билан буркадилар.

Гражданлар уруши ғалаба билан тугагач, совет халқи бутун кучини асосий вазифа — социалистик жамият қурилишига қаратди. Бироқ, Коммунистик партия, Совет ҳукумати бир дақиқа ҳам Ленининг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳақидаги бебаҳо сўзларини унутгани йўқ. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз тинч ижодкорлик меҳнати билан машғул бўлганда ҳам Қизил Армия ва Қизил Флотни тинмай мустаҳкамлаб борди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун фашистлар Германиясининг мамлакатимизга ҳиёнаткорона бостириб кириши катта синов бўлди. Фашистлар Совет Иттифоқига бостириб кирганда қудратли ҳарбий техникага эга эди. Мамлакатимизга қарши душман бир юз тўқсонта дивизияни ишга солди, уларнинг сафида беш ярим миллиондан ортиқ солдат бор эди. Гитлерчилар армияси қўлида 5 минг самолёт, салкам 3 минг танк ва ўзиюрар артиллерия тўплари, 50 мингга яқин артиллерия ва минометлар мавжуд эди. СССРга қарши уруш бошлаган Гитлер ва унинг генераллари яшин тезлигида ғалаба қозониш ниятида эдилар. Бироқ, улар қаттиқ янглишдилар. Душман урушнинг биринчи кунлариданоқ совет қўшинларининг қаттиқ қаршилигига учради. Бутун мамлакат ягона жанговар лагерга айланди.

Коммунистик партия совет халқи ва унинг Қуролли Кучларини немис фашист босқинчиларига қарши бўлган жангларга илҳомлантирибгина қолмай, жанговар ташкилотчилик ҳам қилди. Партия ишчилар синфи, деҳқондар, зиёлиларни Улуғ Ватан урушига чорлади. Бу қураш 1418 кеча-кундуз давом этди. Совет қўшинлари оғир жангларда ҳар бир қарич Она ер учун жон олиб, жон бердилар. Брест қалъаси, Москва, Ленинград, Сталинград, Киев, Минск, Одесса, Севастополь, Керчь, Новороссийск, Тула ҳимоячиларининг мисли сиз қаҳрамонлик намуналари халқ хотирасида абадий қолади. Немис-фашист қўшинларининг Москва, Сталинград остоналарида, Курск яқинида ва бошқа йирик операцияларда мағлубиятга учраши совет халқининг Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонишида муҳим босқичлардан бўлди.

(Давоми 2-бетда).

СССР Мудофаа министрининг буйруғи

1977 йил 23 февраль — МОСКВА ШАҲРИ.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Прапорщик ва мичман ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!
Қуролли Кучлар ветеранлари, ўртоқлар!

Бизнинг Ватанимиз бугун Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 59 йиллигини танта нали вазиятда нишонламоқда.

Совет Иттифоқининг халқлари бу байрамни коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор планларни амалга ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва халқ зиёлиларининг юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги меҳнат унумдорлигини мутасил оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган. Ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси кучайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати кун сайин мустаҳкамланмоқда, халқ фаровонлиги ўсиб бормоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буён ҳам олиб борнладиган курашнинг КПСС XXV съезди қабул қилган программасини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Совет Иттифоқи қардош социализм мамлакатлари билан, барча тинчликсевар кучлар билан бирганликда кескинликнинг юмшатилишини тобора чуқурлаштириш, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини тобора мустаҳкам қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда.

Агрессив империалистик доиралар «Совет хавфи» тўғрисидаги сохта баҳона билан ҳаракат қилиб, халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар. Улар қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар, ҳарбий бюджетларни кўпайтирмоқдалар, Ер куррасининг турли районларида кескинлик ўчоқларини авж олдиришга уринмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бундай вазиятда тинчликсевар ташқи сиёсатни сабот билан ўтказиб, Совет Иттифоқининг мудофаа потенциалини ҳеч ким тинч ҳаётимизга ҳалақит беришга жўръат этаолмайдиган даражада сақлаб келмоқдалар.

Коммунистик партия вужудга келтирган СССР Қуролли Кучлари Ленин васиятларини муқаддас билиб бажариб, ташкил этилган биринчи кунлариданоқ социалистик Ватанни ҳимоя қилишдан иборат ҳаққоний ишга садоқат билан хизмат қилиб келмоқдалар. Армия ва флот жангчилари шу кунларда бутун совет халқи билан биргаликда Октябрь олди мусобақасини кенг авж олдириб юбордилар. Улар ўзларининг маҳорати ва жанговар тайёргарлигини такомиллаштириб, Варшава шартномаси мамлакатларининг армиялари билан бир сафда туриб социализм ғалабаларини, халқларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини сергаклик билан мустаҳкам ҳимоя қилмоқдалар.

СССР Қуролли Кучлари жангчилари, ўртоқлар!
Армия ва флот ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни умумхалқ байрами—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 59 йиллиги билан табриклайман! Қуролли Кучларнинг шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, замонавий қурол-яроғлар ва янги техникани эгаллашда, ҳарбий интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 59 йиллигини нишонлаш учун БУЮРАМАН:

1977 йил 23 февралда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимизнинг пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тула, қаҳрамон Брест қалъасида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 59 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. УСТИНОВ.

Валентин ХОРОШХИН.

МАРДЛИК БАЙРАМИ

Календарнинг қалин варақларида
Гарчи байрамлар кўп,
бу ўзга аммо.
Мардлик тантанаси мароқли жуда,
Шу боисдан февраль
Вазмин, дилрабо.

Совет Армиясин туғилган куни
Бошқача шодиёна,
Посбонга — шараф!
У қилди адолат, мардлик жангини,
Оғир кунда халқнинг
кунига яраб.

Оловли граждан урушн ёдда,
Ғолиб Армиямиз келтирган зафар.

Кейин-чи,
Тик туриб Сталинградда
Ёвни улоқтирди Берлинга қадар.

Октябрь келтирган озодлик,
Тенглик
Содиқ посбонларнинг ҳимоясида.

Софияда ҳайқал —
тимсолн тинчлик,—
Ёдгорлик ҳар юртда, —
ўлмас қасида.

Эркаклар байрами, дея оналар,
Рафиқалар хушнуд,
бизларга ғурур.

Шаҳидларнинг номи тилга олинар
Фахрланар
Ҳар бир комсомол-ўсмир.

Боболар,
Оталар онтига содиқ
Қаҳрамонлар бўлиб
етилган улар.

Демак,
Чегарамиз бузилмагай, йўқ,
Ҳар фарзанд юртини
ҳимоя қилар!

Календарнинг қалин варақларида
Гарчи байрамлар кўп,
бу ўзга аммо.

Мардлик тантанаси
мароқли жуда,
Шу боисдан февраль
Вазмин, дилрабо.

Ю. ШОМАНСУР таржимаси.



Бугун—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

ЮКСАК МУКОФОТ — ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

«Ташсельмаш заводи»

К. Е. Ворошилов номли Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари беҳад қувонмоқдалар: улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини сурункасига иккинчи йил қўлга киритишга муваффақ бўлмоқдалар.

21 февраль куни бўлиб ўтган умумзавод митингида машинасозлар ўзларининг меҳнатларига юксак баҳо берганлиги учун партия билан ҳукуматга самимий миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Митинг Йиғув цехида, бош конвейер ёнида бўлиб ўтди. Ана шу конвейердан «зангори кема»лар тобора кўпроқ тушмоқда. «Ташсельмаш» маркаси қўйилган минглаб ана шундай юқори унумли агрегатлар мамлакат пахтакорларига ўтган йили дала ишларини комплекс механизациялаш соҳасида яна бир катта қадам қўйиш имкониятини берди.

— Мукофот бизнинг зиммамизга янги вазифаларни юклайди, — дейди митингда сўзга чиққан инженер Саидали Маҳаммаджонов.— Биз янада унумлироқ меҳнат қилишга, яхшироқ сифат кўрсаткичларига эришишга ҳаракат қиламиз. Мен ишлаётган қуйиш цехида ўнлаб ишчилар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини икки йиллик топшириқларни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Бизнинг сўзимиз қатъий, ваъда бердикми, бу ваъдани албатта амалий иш билан мустаҳкамлаймиз.

Шпиндель цехининг фрезерчиси Тамара Колотева митинг иштирокчиларига қарата бундай деди:

— Завод эришган муваффақиятларда цехимиз, бригадамиз меҳнатининг улуши борлиги билан фахрланамиз. Мен ва ўртоқларим «Ёнимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмайди» деган шиор остида ишлаб, беш йилликнинг биринчи йили планини 5 декабргача бажардик. Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг шонли 60 йиллигига қадар икки йиллик планни бажарамиз, деб мўлжаллаб турибмиз. Бу заводимизнинг яқинлашиб келаётган эллик йиллигига ҳам совғамиздир.

Слесарь—йиғувчи Виктор Глухов, токарь Василий Штан, бошқа ишчилар мукофотга жавобан ўз коллективларининг топшириқларига биноан олинган, оширилган мажбуриятлар тўғрисида гапирдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар корхона коллективи партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида мамлакатнинг барча меҳнаткашлари олдига қўйилган юксак вазифаларни муваффақиятли бажаришга астойдил азму-қарор бергапликлари тўғрисидаги хабарни беш йилликнинг биринчи йилида ўзларининг кўпган меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун астойдил миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар.

Митинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетига узоқ давом этган қарсаклар остида табрикнома йўлладилар.

(ЎзТАГ).

«ОГОНЁК» СОВХОЗИ

ҚУИЙ ЧИРЧИҚ районидаги «Огонёк» мевачилик-узумчилик совхоз-заводининг коллективи хўжалик КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни беш йилликнинг биринчи йилида ўзларининг қилган меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун астойдил миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар.

— Мукофот бизни янги-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради, — деди бу ерда бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан бригада бошлиғи Байрам Исмонлов. — Биз бунга жавобан беш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз. Мен раҳбарлик қилаётган бригада коллективи бу йил 40 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 300 центнер, яъни топширикдагидан анча кўп узум олишга аҳд қилди.

Областда боғлардан ва токзорлардан энг юқори ҳосил олишга эришган совхоз коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар гектар токзордан ўрта ҳисобда 220 центнер узум, ҳар гектар боғдан 152 центнер мева олиш, планга қўшимча равишда 100 минг сўм фойда кўриш мажбуриятини олди.

Илғор хўжаликнинг боғбонлари ва соҳибкорлари фан эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этмоқдалар, боғларни яхши парвариш қилмоқдалар, пастак мевали дарахт майдонларини кенгайтирмоқдалар. Митингда кўкламги дала ишларини қисқа муддат ичида сифатли ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ХРОНИКАСИ

1917 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ

...Шу ойда Россиядаги снёсий вазият янада кескинлашди. Уруш, очарчилик ва хонавайронлик туфайли янги революция тўлқини барава кўтарилиб, подшо ҳокимиятини бутунлай сароснмага солиб қўйди.

...10 ФЕВРАЛЬ. Шу куни большевиклар Петроградда снёсий забастовка ташкил этдилар. Шаҳардаги 58 корхонанинг 90 минг ишчиси баравар иш ташлади. Улар меньшевиклар даъватига мувофиқ, Таврия саройига тинч намойиш қилиб бориш ўрнига большевиклар чақиригига кўра полидия тўсқинларини енгиб ўтиб, Нева проспекти томон йўл олдилар.

11 ФЕВРАЛДА ҳам пойтахтнинг деярли барча корхоналарида ҳеч ким ишга чиқмади. Петербург большевиклар комитетнинг «Россияни бўғиб турган шармандаликни бутунлай йўқотиш учун подшо малайларига қарши курашиш»га даъват этган варақаси ишчилар орасида кенг тарқалди.

17 ФЕВРАЛЬ. Путилов заводида иш ташлаш бошланди. Маъмурият «аччиққа аччиқ қилиб» корхонани ёпиб қўяди, ишчиларни кўчага улоқтиришга қарор қилади, аммо иш улар ўйлагандек осон кўчмади: қаҳр-ғазаби тўлиб тошган халқ оқими кўчаларни тўлдирди. Очликдан сипласи қуриб, аянчли аҳволга тушган ишчи аёллар нон дўконларини остин-устин қилишди. Чиндан ҳам уруш ва хонавайронлик айниқса ишчи хотин-қизларни, уларнинг болаларини мисли кўрилмаган даражада азоб-уқубатга солганди. Шаҳарда озиқ-овқат, ёқилғи айниқса танқис эди.

23 ФЕВРАЛЬ (янгича йил ҳисоби билан 8 март) куни кечаси, оч болалари билан нонга узоқ навбат кутиб, ҳолдан тойган аёллар Халқаро ишчи хотин-қизлар куни муносабати билан Петроградда митинглар ўтказишди. Бу митинглар тез орада оммавий намойишга айланиб, бутун шаҳарни қамраб олди. Кўчаларда қизил байроқлар кўрина бошлайди, полиция билан дастлабки тўқнашувлар бўлди. Бу инқилобнинг дебочаси эди!

ШУ ОҚШОМ Петроград большевикларининг раҳбарлари яширин хонада йиғилиб, оммавий забастовкани янада изчиллик билан кенг миқёсда давом эттириш, янги намойишлар ташкил қилиш, ишчилар, солдатлар орасида ташвиқот ишларини кучайтириш, ишчиларни қуроллантиришга қарор қилишди.

24 ФЕВРАЛЬ куни Россия пойтахтида 200 минг киши, яъни ишчилар синфининг ярмидан кўпроғи иш ташлади. Улар яна Невский томон боришди. Ҳукумат уларни тинчитиш мақсадида аҳолига ҳарбий омборлардан уч минг пуд ун беришга қарор қилди. Аммо, инқилобни энди ҳеч қандай тадбир-чоралар билан тўхтатиш мумкин эмасди.

25 ФЕВРАЛЬ. Эрталаб большевиклар партияси Марказий Комитети Петербург комитети билан биргаликда Умум Россия стачкаси ўтказиш ғоясини олға сурди. «Ҳамма курашга! Ҳамма кўчага! Фронтда капитал фойдаси учун қурбон бўлгандан ёки очлик ва оғир меҳнатдан силла қуригандан кўра ишчилар иши учун курашиб, шараф билан ўлган афзал!.. Иўқолсин чор монархияси! Битсин уруш!» деган жанговар чақириқ ёзилганди большевиклар варақасида. Пойтахт яна забастовка ҳалқаси остида қолди, 300 минг ишчи иш ташлаб, Питернинг чекка районларини ишғол этди.

Бу пайтда «олий бошқўмондон» Николай II ўз ставкасида эди. У Бельгия қироли янги тақдим этган ҳарбий крестни тақиб олган ҳолда Петрограддан, генерал Хабаловдан хабар кутарди. Ниҳоят, «Ҳалойиқ тарқатиб юборилди» деган хабар етиб келди, бироқ подшо хотиржам эмасди, аксинча у дарҳол «эртагаёқ пойтахтдаги тартибсизликлар тўхтатилсин!» деб буйруқ қилди.

Подшодан фатво олган ҳукумат энди ишчиларга қарши ҳужумга ўтиш учун зўр берибқ тайёргарлик кўрди. Фронтдан шошилинч тарзда ишончли қўшинлар келтирилди. Оммавий қамоққа олиш бошланди. Айниқса, большевиклар қаттиқ таъқиб остига олинди.

26 ФЕВРАЛДА эрта билан яна Невский томон юриш бошлаган намойишчилар рўпарадан кучли ўққа тутилди. Полиция пулеметлари томлардан турибқ, ишчиларга ўқ ёғдира бошлади... Тунда пойтахт бироз тинчиди, аммо бу яна бир зўр бўрон олдидан бўладиган осойишталикни эслатарди.

27 ФЕВРАЛДА чиндан ҳам шундай бўрон бошланди. Волин полкининг ўқув командаси қўзғолон кўтарди. Казармаларда ҳаётларини хавф остига қўйиб, инқилобий ташвиқот олиб борган большевиклар ва илғор ишчилар таъсирида бутун Волин полки, кейинроқ эса Литва, Преображенский, Москва полклари бирин-кетин бош кўтариб, инқилобчи халқ оқимига қўшиладилар. Полиция участкалари ёндирилади, ҳукумат муассасалари қўлга олиниб, турма эшиклари очилади. Эркинлик!

1905 йилнинг тажрибаси беҳуда кетмаган экан — Петроградда янги ҳокимият ташкилоти — ишчи ва солдат депутатлари Совети тузилади. Шу тариқа Февраль инқилоби ғалаба қозонди! Уч юз йилдан ортиқ ҳукм сурган Романовлар сулоласининг монархия тузумига чек қўйилди.

Буржуазия шу фурсатда ҳокимиятни эгаллашга уринарди. Большевиклар кўчаларда зўр инқилобий жанглар билан машғуллигидан фойдаланиб, Керенский ва меньшевиклар партияси Петроград Советини эгаллайди.

1917 йил феврали тугади, аммо революция давом этарди. «Рус чоризмининг қўрғонлари ағдарилди!». Халқ суяклари устига қурилган подшо шайкасининг фароғатига чек қўйилди. Пойтахт кўзғолон кўтарган халқ қўлида. Революцион қўшинларнинг қисмлари кўзғолончилар тарафига ўтдилар, — дейилган эди Россия социал-демократик ишчилар партиясининг Россиянинг ҳамма граждапларига қарата чиқарган манифестида.

Февраль инқилоби нагижасида самодержавие тузумни ағдарилганлиги ҳақидаги хабар Тошкентга 1 мартга ўтар кечасиёқ етиб келди. Гарчи Туркистон генерал-губернатори Куропаткин буни халқдан яширишга уринса ҳам, аҳолининг бир қисми темир йўл ишчилари орқали газеталарда 3 март куни расман эълон қилинишидан аввал Питердаги революция ғалабасидан хабардор бўлди. Шаҳар боғлари, кўчаларида бирин-кетин оммавий митинглар, намойишлар, йиғилишлар бошланди. Ҳамманинг оғзида бир гап: «Петроградда инқилоб! Подшо ағдарилди!»...

Ҳал қилувчи революцион жанглар ҳали олдинда эди.

И. СУЛТОНОВ.



Тошкентдаги «Компрессор» заводи 3-механика цехининг илғор йиғувчи-слесари Михаил Хижняк беш йилликни уч ярим йилда бажаришга азму-қарор қилган. У айни пайтда 1977 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: моҳир ишчи янги компрессор қурилмаларини созламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЭКИШ-ТИКИШГА ШАЙ

«Узсельхозтехника» Бўка равон бирлашмасининг устахонасидан ремонт қилинган охирги трактор чиқиб кетди. Ҳар бир машинага дала ишларида ишлатилиши мумкин деган тамға босилган. Двигателларнинг мотор ресурслари оширилган-ремонтчилар уларнинг йил бўйи бузилмай ишлашига гарантия берадилар.

— Районимиз механизаторлари ҳозир чигит экишга тайёргарлик кўриш ишларини тугатмоқдалар, — деди бирлашманинг бош инженери Раҳим Еқубов. — Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йилликнинг иккинчи йилида пахтадан мўл ҳосил кўтариш учун курашга ҳиссa қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бўкалик деҳқонлар чигитни қисқа муддатда—бир ҳафтада экиб бўлишга қарор қилдилар. Устахоналарда энг тажрибали слесарлар, пайвандчилар, созловчилардан навбатчи группалар тузилган, тез техника ёрдамга берувчи олтита автомашина тахт қилиб қўйилган. Бу машиналарда шошилинч ишларни бажариш учун зарур материал ва ускуналар комплект қилинган. Ҳамма колхоз ва совхозларда бирлашма марказий радио станцияси тўлқинига созланган радиоаппаратлар ўрнатилган. Экин-тикин чоғида электр ускуналарни ремонт қилувчи ўта автомашина йўлга чиқади. Алмаштириладиган фондлар узел ва запас қисмлар билан тўлдирилди, механизациялашган ёнилғи қуйиш станциялари эса машиналарни эгатда турганидаёқ ёнилғи билан тўлдиради.

Ерлардаги нам қочиши билан механизаторлар экиш техникасини далага чиқариб, уларнинг тайёргигини комплекс ҳолда текшириб кўра бошлайдилар.

(ЎзТАГ).

ЙИРИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК МАРКАЗ

ОБ-ҲАВО қандай бўлди? Кун нега бирдан исиб кетди? Бу йил қиш қандай келаркин? Бу ва шунга ўхшаш саволлар ҳаммани қизиқтиради. Дарвоқе, об-ҳавони олдиндан маълум қилиш шунчаки оддий гап эмас. У синчковлик билан кузатишлар олиб боришни, илм ва тажрибани бир-бири билан узвий боғланишни талаб қилади.

Одатда, об-ҳаво ҳақидаги хабар «Тошкент гидрометеорология станциясининг маълумотига кўра» деган ибора билан бошланади. Ана шу станция бундан бир юз ўн йил муқаддам иш бошлаган эди. Ўша 1867 йилдан эътиборан Ўрта Осиёда системали равишда метеорологик кузатишлар олиб борилмоқда.

Тошкент гидрометеорология станциясидан сўнг Наманган, Фарғона, Андижон ва Қўқонда ҳам бундай илмий-кузатиш марказлари ташкил этилди. Кўп ўтмай улар сони Ўрта Осиё республикалари бўйича 25 тага етди.

Яна бир тарихий факт. 1873 йилда Ўрта Осиё дарёларини ўрганишга киришилган эди. Н. Г. Столетов бошчилигидаги махсус экспедиция Амударё соҳиллари бўйлаб дастлабки гидрометеорологик кузатишларни олиб борди.

Эндиликда эса республикамизда гидрометеорологик тадқиқотлар кўлами кен, гайиб кетди. Гидрометеорология обсерваторияларидан учтаси ишлаб турибди, 120 та станция ва 160 дан ортиқ постлар мутахассислар ихтиёрида. Улар замонавий мураккаб асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Об-ҳавони кузатиш ишлари автоматик, ярим автоматик приборлар орқали амалга оширилади.

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-тадқиқот институти эса том маънода тадқиқотларнинг чинакам йирик маркази вазифасини ўтайди. Дарҳақиқат, бу ерда барча гидрометеорологик маълумотлар тўпланади ҳамда умумлаштирилади.

ИЛМИЙ муассасанинг фаолияти кўп қирралидир. Об-ҳавони ўрганиш билан боғлиқ деярли барча илмий жараёнлар шу ерда амалга оширилади. Мисол учун об-ҳавонинг тезкор гидрометеорологик бўлимини олиб кўрайлик. Уни институтнинг етакчи тадқиқот маркази дейиш мумкин.

Бўлим ходимлари яқин кунлар давомида содир бўлган об-ҳаво ўзгаришларини кузатиб борадилар. Қаттиқ совуқ ёки шамол, момақалдироқ бўлиши олдиндан хабар қилинади. Бу хил маълумотларнинг халқ хўжалигидаги роли катта бўлиб, турли табиий офатларнинг олдини олиш имконини беради.

Бўлимда доим ҳаёт қайнайди. Ҳар бир ходим ўз постида сергак туриб, гидрометеорологик ўзгаришларни кузатади, рўй берадиган ҳодисаларни қайд этиб туради.

Синоптиклар қўлидаги карталарда гап кўп. Уларда мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги ва ҳатто чет эллардан олинган маълумотлар ўз аксини топади. Синоптик ўзгаришларнинг жуда хилма-хил элементлари борки, уларни дафъатан ҳисоблаб чиқиб бўлмайди. Бунда мутахассисларга «ақлли» машиналар қўл келади.

Институт олимлари бу масалага жиддий муносабатда бўлиб, қатор техникавий янгиликларни ишга солдилар. Электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилди. Об-ҳавони кузатиш методини такомиллаштиришда математик ва гидродинамик қонунлардан ҳам унумли фойдаланилаётир.

Техникавий аппаратлар гидрометеорологик маълумотларнинг аниқ бўлишини таъминламоқда. Эндиликда ҳавонинг ҳарорати, ёғингарчилик бўйича ўзгаришларни тўплаш ҳам электрон-ҳисоблаш машинаси зиммасига юкланган.

Институтда ўз касбининг сир-асрорини жуда яхши биладиган мутахассислар талайгина. Е. Г. Зубенко ҳам тажрибали синоптиклардан. У катта бир бўлимга тадқиқот олиб бориш билан бирга, ўзининг етакчи ходимларини ҳам шундай ишларга ўргатади.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Грац шаҳрида бўлган фан ва техника кунлари жуда қизиқарли ўтди. Ўқилган лекциялар эътибор билан тингланди. Австрия-Совет дўстлиги жамиятининг раҳбарларидан бири профессор Эдвард Рабовский ўзининг Ўрта Осиё республикаларига қилган саёҳатидан олган бой таассуротларини гапириб берди. Бизнинг институтимиз номини профессор фахрланиб тилга олди, бўлим ва лабораториялар фаолиятини мақтаб сўзлади.

ЧИНДАН ҳам Ўрта Осиё региональ гидрометеорология институтининг халқаро илмий доираларгаги нуфузи катта. Жаҳон метеорологик ташкилоти билан ҳам тошкентлик синоптиклар маълумотлар айрибош қилиб турадилар. Кузатишлар бўйича муносабат билан атоқли Совет олимларидан бир группаси тантаналарга қатнашиш учун лутфан таклиф қилинди. Делегация составида Л. А. Канаев ҳам бор эди.

— Бу маданий тадбир ўзига ҳос катта илмий анжуманга айланиб кетди,— дейди Леонид Алексеевич,— фан ва техника кунларида биз Вена шаҳрининг турли муассасаларида бўлдик. Зальцбургда ўтказилган йиғилиш бевосита гидрометеорологик хизмат масалаларига бағишланди.

Ўша куни мен ҳам доклад билан чиқдим. Залдагилардан бир неча киши СССРда селга қарши олиб борилаётган ишлар, бу борада белгиланган тадбирлар, қилинаётган тадқиқотлар хусусида қизиқиб саволлар берди. Албатта, атрофлича жавоблар қайтаришга ҳаракат қилдим. Шу билан бирга Тошкент ва Олмаота шаҳарларида селнинг олдини олиш соҳасида ишлаб турган илмий муассасалар фаолияти тўғрисида ҳам гапириб ўтдик. Иншоотларни муҳофаза қилувчи қурилмалар схемаларини кўрсатдик.

Йирик региональ марказ сифатида ҳам илмий муассаса салмоқли ўрин тутади. Ҳозир бундай тадқиқот ўчоқлари атиги тўртта. Шундан учтаси Москва, Новосибирск ва Хабаровскда жойлашган.

Институтда тадқиқот ва кузатиш ишлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Катта илмий коллектив ўзининг чинакам гидрометеорологик мактабини яратди. Бу мактаб келгусида янги йўналишлар ҳисобига янада бойийди.

А. АЛИЕВ.



ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОБОД. Навоий номли колхозда мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Мавжуд экиш агрегатлари, бороналар, ҳайдов ва юк тракторлари сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди. Қолган техника воситаларини созлаш ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Далаларга маҳаллий ўғитлар чиқариб қўйилган. Ариқ ва зовурлар тозаланмоқда. Колхознинг 1635 гектар майдонига барака уруғи қадаш мақсадида сара уруғлар келтириб қўйилди.

Г. НУРАЛИЕВ.

* * *

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ. «Коммунизм» совхозининг Қаршибой Рўзиматов етакчилик қилаётган бригадаси меҳнаткашлари юбилей йилида пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, каноп ҳосилдорлигини эса 220 центнерга етказишга қарор қилдилар. Бу ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилидан 4 центнер, каноп ҳосилидан 10 центнер кўпдир. Ана шу улкан мажбуриятни бажариш мақсадида бригада аъзолари дала ишларини қизитиб юборишди.

У. МАҲКАМОВ.

* * *

ЧИНОЗ. Ўрмон Тулепов бошлиқ бригада аъзолари ҳозирги кунда асосий эътиборни далаларга ўғит чиқариш, суғориш шохобчаларини тартибга солиш ишларига қаратишмоқда. Энгельс номли колхознинг бу бригадаси аъзоларининг марралари улкан. Улар ҳар гектар майдондан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаш мажбуриятини олишган.

Ҳ. ШЕРОВА.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Барча техника воситаларини кўкламги дала ишларига шай қилиб қўйган Охунбобоев номли колхоз аъзолари ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга ўғит чиқариш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Шу кунгача 60 минг куб метр ҳажмдаги ариқ-зовур тозаланди, ҳар гектар ҳисобига 10 тоннадан органик ўғит чиқарилди. Бу ишлар Б. Абдулҳайиров, Т. Эгамбердиев, Р. Ҳолматов, Ҳ. Дадашев ўртоқлар бош бўлган бригадаларда, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Қ. ХОЛБЎТАЕВА.

* * *

ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози меҳнаткашлари юбилей йилида давлатга 3422 тонна картошка, 12 минг тонна сабзавот, 800 тонна узум, 550 тонна мева сотиш мажбуриятини олишди. Бу мажбуриятни бажариш учун шу кунларда кўплаб кўчат тайёрланмоқда.

У. УСМОНОВ.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Ўтган йили Фрунзе номли колхоз пахтакорлари гектар бошига 31,5 центнердан ҳосил кўтариб, социалистик мажбуриятни бажаролмай қолган эдилар. Йўл қўйилган камчиликлардан тегишли ҳулоса чиқариб олган колхозчилар айни кунларда дала ишларини қизитиб юбордилар. Ариқ-зовурларни тозалаш билан бирга, ҳозиргача 2600 тонна маҳаллий ўғит дала бошига чиқарилди. Трактурчилардан Қ. Қувонбеков, Т. Аҳмедовлар ҳар куни 20 тоннадан органик ўғит ташишмоқдалар. Колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

В. БОБОХОНОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. С. Сегизбоев номли совхоз пахтакорлари янги ҳосилга тараддуд кўриш ишларини анча барвақт бошладилар. Айрим ерларга яхоб суви берилди. Илғор механизаторлардан Абдуғани Тўхтасинов, Бекназар Матмирзаев, Василий Зарипов ўз трактор ва сеялкаларини чигит экишга шай қилиб қўйишган.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

* * *

ПИСКЕНТ. Калинин номли колхознинг илғор звено бошлиғи Абдуҳошим Номозбоев яқинда III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди. Мукофот звено аъзоларини янги марралар сари руҳлантириб юборди. Улар пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга ҳаракат қилишмоқда. Звено бошлиғининг ўзи йиғим-терим мавсумида «зангори кема» бункеридан 200 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олди.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

* * *

Шуниигдек жамоатчи мухбирлардан бўстонлиқлик **Р. Мираъзамов**, ўртачирчиқлик **С. Худоёрова**, бекободлик **Р. Эсонов** ўртоқлар ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг айни кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида редакциямизга хат-хабарлар йўллашган.

«Узбекхиммаш» заводининг ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Кўплаб цех, бригадалар шонли санага гача икки йиллик топшириқларини бажаришга азму-қарор қилдилар. Суратларда: (чапдан) В. Киося бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари келгуси режаларни белгиламоқдалар; корхонанинг илғор электр-пайвандчиси С. Қараев.

Л. Гусеинов фотоси.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР МАШҒУЛОТИ

Яқинда Ўзбекистон Езувчилар союзининг Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйида «Ёшлар клуби»нинг навбатдаги машғулоти бўлди. Машғулотда ёш ижодкорларнинг ўтган бир йил давомида «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида эълон қилинган асарлари ҳақида қизғин мунозара ўтказилди.

Кечани «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Мирмуҳсин олиб борди. У журналнинг ёш ижодкорлар билан ишлаш анъаналари, келгуси режалари ҳақида гапирди. Адабиётшунос Иброҳим Ғофуров ўз сўзини журнал саҳифаларида шеърлари босилиб чиққан ёш шоирларга бағишлади. Танқидчи сурхондарёлик Шафоат Раҳматуллаевнинг шеърлари ўзига хос оҳанги, нафислиги, А. Қорабоев, Ш. Қурбонов шеърлари умидбахш туйғулари билан ажралиб туришини ҳамда журнал саҳифаларида эълон қилинган баъзи шеърлардаги мақсадсизликни ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўтган йили газета ва журнал саҳифаларида ёшларнинг кўплаб ҳикоялари босилиб чиқди. Бу ҳақда фикр юритган филология фанлари кандидати Машҳура Султонова Э. Аъзамов, Қ. Кенжа, А. Иброҳимовларнинг ҳикоялари мисолида ёшларнинг изланишларини таҳлил қилиш билан бирга ўзининг баъзи эътирозларини ҳам билдирди.

Шунингдек, таниқли адиб Саид Аҳмад ва «Шарқ юлдузи» журнали бўлим мудири Шукур Холмирзаевлар журналда эълон қилинган прозаик асарлар хусусида сўзладилар. Улар У. Хошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи, Зоҳиржон Аъламовнинг «Илк баҳор кунлари», Мамадали Маҳмудовнинг «Богдон қашқири» қиссалари ҳақида фикр юритдилар.

Филология фанлари кандидатлари Дилбар Қамбарова, Наим Каримов, ёзувчи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўткир Хошимовлар эса адабиётимиз ривожига ёш ижодкорларнинг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида тўхталдилар.

Кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

З. ЖЎРАЕВА.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ТОШКЕНТ трактор заводи партия комитети ҳузурида цех ва бўлимларнинг партия ташкилотлари секретарлари учун курслар очилди. Партия ташкилоти раҳбарларидан 37 киши ўқишга киришди. Дастлабки машғулотлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада коммунистларнинг авангардлик ролини кўтариш, маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш соҳасида партия ташкилотларининг ишини янада яхшилаш масалаларига бағишланди.

Тошкент Олий партия мактаби партия қурилиши кафедрасининг олимлари ва ўқитувчилари, завод партия комитети ходимларига лекция ўқишди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОН қишлоқ хўжалик министрлигининг меҳнатни илмий ташкил этиш марказида колхозлар ва совхозлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси кабинети вужудга келтирилди. Механизаторлар, ремонтчилар, машина ёрдамида сут соғувчи операторлар бу кабинетда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида ўқиладиган лекцияларни тинглайдилар, таълимнинг техника воситалари эса уларнинг билимларини чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Бўлимларнинг бири иссиқ иқлим шароитида механизаторларнинг меҳнат қилиш ва дам олишидаги энг мақбул режим билан таништиради. Бунда кўплаб ишлаб чиқариш учун тавсия этилган коржомаларнинг янги моделини кўриш мумкин.

Чиройли қилиб безатилган плакатлар ва ҳужжатли фильмлар тракторларда, пахта териш машиналарида, чорвачилик комплексларининг озуқа цехларида хавфхатарсиз ишлаш усулларини ўргатади.

Магнитофон ёзувлари, диафильмлар, слайдлар ва таълимнинг бошқа энг янги воситалари меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича назарий ва амалий курсни ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Меҳнатни илмий ташкил этиш маркази республикадаги колхоз ва совхозлар билан тузилган шартномага мувофиқ, бу йил 120 кабинетни ташкил этади.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ҚУДРАТЛИ ПОСБОНИ

(Бошн 1-бетда).

Совет Қуролли Кучлари Улуғ Ватан урушини 1945 йил 9 майда ғолибона якунладилар. Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилгач, Совет Иттифоқи ўзининг узоқ Шарқдаги чегаралари дахлсизлигини сақлаш мақсадида, ўзининг иттифоқчилик ҳамкорлигига содиқ қолиб, милитаристик Япония билан жанг қилди ва Квантун армиясини тор-мор этиб, иккинчи жаҳон урушининг тугалланишини тезлаштирди.

Ватан учун бўлган жангларда совет кишилари оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Фақат Улуғ Ватан уруши йилларининг ўзидагина 7 миллион киши СССР орден ва медаллари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида Совет Иттифоқининг 193 миллат вакиллари бор. 11600 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга муяссар бўлди. Булардан 75 киши ўзбек халқининг ўғил ва қизларидир.

Совет Қуролли Кучлари Ватан озодлиги ва мустақиллигини шараф билан ҳимоя қилгач, урушдан кейинги даврда тинимсиз такомиллашиш билан бирга жанговар тайёргарлигини ошира борди, жангчиларимиз совет халқининг тинч ижодкорлик меҳнатини сергаклик билан қўриқламоқда.

Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари уруш сабоқларини эсдан чиқариб қуролланиш пойгасини давом эттиришмоқда, халқаро кескинликни кучайтириб, ҳарбий низолар келтириб чиқаришга уринаётган ёвуз ниятли кишиларга Армия ва Флотимизнинг кучи ва қудрати ўтмишни эсга келтириш фактори бўлиб хизмат қилмоғи керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ўртоқ Л. И. Брежнев қаҳрамон Тула шаҳрига «Олтин Юлдуз» нишонини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Совет Иттифоқининг шонли Қуролли Кучлари совет халқи тинч меҳнатининг посбони бўлиш, ялпи тинчликнинг таянчи бўлишдан иборат ўз масъулиятли вазифасини ,бажариш учун зарур воситаларнинг ҳаммасига бундан буён ҳам эга бўлсин деб партиямиз ҳамма чораларни кўраверади. Бунга ҳам ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги лозим».

Совет Қуролли Кучларининг 59 йиллик байрамини барча совет халқлари қатори туркистончи жангчилар ҳам жанговар ва сиёсий тайёргарликда, техника ва қурол яроғларни мукаммал ўзлаштириш, ҳарбий маҳоратини ошириш, жанговар тайёргарликда янги ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Ҳозирда округимиз қисмларида партиямиз XXV съезди қарорларини амалга ошириш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилган. Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий Округи қисм ва бўлинмалари орасида офицерлардан А. П. Ханин, Р. М. Салеев командирлик қилаётган бўлинмалар Улуғ Октябрь байрамининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлишди. Офицерлар Л. Хабаров, В. Павкин, И. Маркин, кичик сержантлар В. Верешчагин, А. Глебов, оддий аскар М. Хусанбоев ва бошқа туркистончи жангчилар жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ўзининг фидокорона меҳнати, ҳарбий бурчни сидқидилдан адо этаётган солдат, сержант, прапорщик ва офицерлар шонли Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини янада мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет жангчилари КПСС XXV съездида жанговар меҳнатларига берилган юксак баҳо билан фахрланадилар. Улар учун Ватанга намунали хизмат қилиш, халқнинг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқлаш, Варшава шартномасидаги бошқа социалистик мамлакатлар армиялари билан бир сафда социализм ва коммунизм ғалабаларини ҳимоя қилишдан кўра юксак бурч йўқ. Партиямиз XXV съезди Қуролли Кучларимиз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишда туркистончи жангчилар бор билим ва маҳоратларини йиғма солмоқдалар, қудратли техниканы мукаммал ўзлаштириб, ҳарбий маҳоратларини тинимсиз ошириб бормоқдалар. Улар буюк Ватанимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр бўлган ҳолда Улуғ Октябрнинг шонли байрамини жанговар тайёргарликда янги ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда.

ҲАРБИЙ—ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

№ 148

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда революция ветеранлари, меҳнат қаҳрамонлари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушн қатнашчиларини ҳурматлаш маросимлари ўтказилмоқда. Тошкент район партия ташкилоти ана шундай маросимлардан бирини ўтказди.

Алишер Навоий номли мухташам театр биноси кўкси орден ва медалларга тўла уруш ва меҳнат ветеранларига бериб қўйилди. Катта залга янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларидаги фидокорона меҳнати, уруш йилларидаги қаҳрамонлиги билан Ватанга хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган кексалар тўпланди. Улар Тошкент шаҳар атрофидаги Кўктерак, Ҳасанбой, Оқтепа сингари қишлоқларда гражданлар уруши, босмачиларга қарши кураш, саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлиги, коллективлаштириш даврларини бошидан кечирган мўътабар кишилар, Уларнинг ҳар бирини жонли тарих дейиш мумкин.

Мана, уруш ветерани, келеслик Муҳаммаджон Абдуллаевни олайлик. У қирқ йилдан ортиқ вақтдан буён ёш авлодни тарбиялаб келади. Улуғ Ватан уруши йилларида бу педагог қўлига қурол олиб, фашистларга қарши курашнинг ҳамма даҳшатларини ўз кўзи билан кўрди. Машҳур 18-армия сафида бўлиб, «Кичик ер»да тенгсиз мардлик намуналарини кўрсатди. Муҳаммаджон ака ҳозир шахсий пенсионер. Лекин ҳамон ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда вақтини ҳам, билимини ҳам аямайди. Ёки врач Жўра Алимовни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида кўп йиллардан бери самарали ишлаб келмоқда. Ленинград қамалида қатнашган бу кексани ҳам элюрт, ҳамқишлоқлари эъзозлаб келадилар. Яқинда давлат томонидан унга «Запорожец» енгил автомашинаси берилди.

Улуғ Ватан урушининг бошқа ҳамма қатнашчилари ҳам катта ғамхўрлик билан чулғаб олинган. Уларнинг онлаларига ҳар хил қулайликлар яратилмоқда, турмуш шароитларини яхшилашга давлат ҳам, колхоз правлениелари ҳам моддий ёрдам кўрсатаётир. Муҳими, улар ҳамма жойда ҳар доим маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Куни кеча районнинг Ҳасанбой қишлоғида катта митинг бўлди. Митинг қатнашчилари Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларини эсладилар. Уруш ветеранларининг сўнмас жасорати ҳақида илиқ гаплар айтилди. Ҳамқишлоқлар Ватан озодлиги йўлида абадий кўз юмган ўғлонлар шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги муносабати билан Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти куни арафасида ўтказилган уруш ва меҳнат ветеранларининг район слётида бу йил амалга ошириладиган бошқа бир қатор тадбирлар ҳам маслаҳатлашиб олинди. Ветеранлар Советига келеслик истеъфодати майор, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турдиали Шарипов раис қилиб сайланди.

СУРАТДА: Тошкент районидаги Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранларидан бир группаси. А. Абалян фотоси.



ЖАНГЧИ ЖАСОРАТИ—ГЕНЕРАЛ МАДҲИДА

Ота-боболаримиздан қолган бир нақлда доншманд сўзи ва ботирнинг иши замона гардида қолмас дейилади. Ҳақ гап. Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган йигитларимизнинг, она юртимиз учун жонини ҳам аямаган фидокорларининг порлоқ хотираси халқимиз қалбида мангудир.

Яқинда «Красная звезда» газетасида К. Е. Ворошилов номидаги СССР Қуролли Кучлари Бош штаби Ҳарбий академиясн бошлиғи, армия генерали И. Шавровнинг «Қизил Байроқли Прикарпатье» китобига ёзган тақризига кўзим тушди. Тақризда таниқли саркардамиз ўзбек йигити Неъмат Ҳакимов жасоратини тилга олган. Шуни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим.

«1944 йил февралида Стирь дарёси ёнида икки совет жангчиси — рус Виктор Ершов ва ўзбек Неъмат Ҳакимов ўлмас жасорат кўрсатишди. Улар яраддор ўртоқларнин қутқариш йўлида танкка қарши гранаталарни кўлда кўтарганча икки душман танкининг тагига ўзларини ташлаб уларни портлатиб юборишди. Улар ҳалок бўлган Ровенск ва Волинск областлари чегарасидаги Баталаховчи қишлоғи яқинида бу жасоратни эслатувчи ёдгорлик ўрнатилган».

Муаллиф қисқа сатрларда солдатча лўнда қилиб икки азамат қаҳрамонлигини эслатиб ўтади.

Ҳа, тарихда қоларкан, ботирнинг иши. Неъмат Ҳаким. мовлар қаҳрамонлиги, шер юраклар достони абадий.

Х. СОДИҚОВ,
запасдаги офицер.

ЎН ТЎҚҚИЗГА ТЎЛИБСАН БУ КУН...

(СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН УКАМГА)

Онажоним дилида шодлик,
Ун тўққизга тўлибсан бу кун...

Юртда тинчлик тўкин,
ободлик,
Юрт посбони бўлибсан бу кун.

Онажоним меҳр-ла боқиб
Суратингни босар бағрига.
Ҳаёлида ўғли улғаймб
Гўё бугун қайтди шаҳрига.

Нури дийдам хатингни ўқир,
Гоҳ ёшланар севинчдан кўзи,
Гоҳ сўзлайди бизга бирмабир
Аскарликда бўлгандай ўзи.

Хонамизда севинч, куй янграр,
Ун тўққизга тўлибсан бу кун...
Онажоним йўқлайди такрор,
Юлдузлар ҳам чарақлар бу тун.

Ун тўққизда халқимиз сенга
Посбонликни кўрди муносиб.
Фарзандирсан она-Ватанга,
Бахт йўлдошинг бўлолсин насиб.

Арофат НОСИРОВА.

СОЛДАТ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

Сержант Қаюм Ёқубов армия хизматини бошлаганига анча бўлиб қолди. Ҳарбий ҳаётнинг дастлабки кунлариданоқ у ўзининг тириш қоқлиги, дўстларига меҳрибонлиги билан обрў қозонди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган лавҳалар унинг машаққатли, лекин шарафли ҳарбий ҳаётидан ҳикоя қилади.

ТРЕВОГА

КИНОЛАРДА, китобларда негадир ҳарбий тревога тунда бошланади. Лекин аслида бундай эмас. Улар учун тун билан куннинг фарқи йўқ. Тревога ҳар дақиқада янграб қолиши мумкин.

Жангчилар энди нонушта қилиб бўлишган, чекиш хонасида ҳордиқ чиқариб, суҳбатлашиб ўтиришарди. Бир неча минутдан сўнг ҳамма тарқалиши керак. Ҳозирча эса улар дам олишяпти.

Сержант Ёқубов ойнадан ташқарига қарайди. Бир неча кундан бери эзғилаб ёғаётган ёмғир ҳамманинг жонига теккан, ҳаво ҳамон қовогини солиб олган, очиладиганга ўхшамасди.

Кутилмаганда тревога янграб қолди. Сержант шу ондаёқ хизматдошларини станцияга бошлади. Орадан кўп ўтмай йигитлар белгиланган ерга етиб келишди.

Шу куни ўзбек йигити фақат ўз ишинигина эмас, офицернинг ҳам вазифасини бажарди. Бу унинг хизмат постида биринчи марта бўлаётган воқеа эмас. Тўғри, аввалига командирлик қилиш қийин эди. Энди эса ўрганиб кетди, хотиржам ишлайди.

— Мўлжалга олиниши керак бўлган объектни изланг!

Сержант диққат-эътиборини бир нуқтага тўплади. «Мўлжалга олялмиз, деди у аппаратдан кўзини узмай, — мўлжал олинди!».

Вазифа бажарилгач отбой эълон қилинди, ҳамма кабинадан чиқди. Жангчилар қаттиқ чарчашган, «жанг» тамом бўлганига ишонмагандек ҳамон кўзларини уфқдан узишмасди...

ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛ!

Бўлинмага қайтиб улгурмасдан сержант Ёқубовга совға тайёрлаб қўйишибди. Келиши биланоқ «Жухарев яна ҳунар «ўрсатди» деб қолишди. Жухарев эса худди бир ишни дўндиргандай илжайиб ўтирарди.

— Хўш, нима қипти? Дневальнийликдан кетдим.

Сержант эса тез орада хизматни тугатиб уйига қайтиши керак бўлган бу солдатнинг кинояли жилмайиб галиришига эътибор қилмагандек бошқа солдатларга қаради. Кейин вазминлик билан сўз бошлади:

— Хўп яхши. Демак дневальний бўлишга ор қилдингиз...

— Жазолашингиз мумкин... — тўнғиллади, Жухарев.

— Йўқ, сиз мени яхши тушунмадингиз, гап жазода эмас.

Суҳбатга ефрейтор Прокин қўшилди:

— Уялмайсизми, Жухарев, — деди у, хизмат қилаётганигизга икки йил бўлиб қолди-ю, уставни бузаяпсиз, бу ҳам етмагандай ўзингизни «қатория» деб бошқаларга буйруқ берганингиз берган.

— Хўш нима қилай, — Жухаревнинг овозида энди бояги манманлик, киноядан асар ҳам қолмаганди. Сержант: «вишдонан хизмат қилаётганини истаймиз, чинакам жангчилардек бўлинг» деди-ю, орқасига ўгирилиб хонадан чиқиб кетди. Жухарев айбини тан олиб, сира бундай қилмасликка сўз берди.

В. КРЕМЛЕВ,
подполковник.

ОКОПДА ЁЗИЛГАН САТРЛАР



Абулқосим ака яқинда тасодифан редакциямиз биносида учратиб қолдим. Уни бошқа редакцияларда ишлайдиган ҳамкасб дўстларимиз учрашувга чақиришган экан. Мен дарҳол танидим. Орден ва медалларини тақиб олиб, худди солдатлик давридагидек бардам қадам ташлаб келаётган эди. Сўрашиб анча суҳбатлашдик.

Уни биринчи бор 1944 йил ёзида Минск тош йўлида, иккинчи бор Польшада, Нарев дарёси плацдармида учратган эдим. Оловли йиллар, эски жанговар дамлар кишн хотирасидан асло унутилмайди.

1944 йил ёзида Белоруссия ерларини фашист босқинчиларидан озод этиш учун шиддатли жанглар борар эди. Жангчи Абулқосим Мадатовнинг Витебск райондаги муҳим бир тепаликни эгаллаб турган эди.

Гитлерчилар тепаликни қўлга киритиш учун танкларини ишга солади. Абулқосим танкка қарши отадиган милтиғини қулай жойда яхши паналаб ўрнатиб, душманнинг зирҳли машиналарини пойлаб ётар эди. Бир вақт биринчи бўлиб, ёвнинг мақталган «Фердинанд» ўзи юрар тўпи пайдо бўлди. У йўлини тезлаб, Мадатов ётган тепаликка қараб келарди. Ев машинасининг олди броняси қалин эди. Уни ПТР ўқи билан олиб бўлмас эди. Мадатов унинг кузатиш туйнукларини мўлжалга олиб ўқ уза бошлади. Бир маҳал танк бир силкинди-ю, юрган жойида тақа-тақ тўхтаб қолди. Сўнг айланиб, орқасига аста-секин кета бошлади. Лекин танк орқасида келаётган ёв автоматчилари ва пулеметчилари ҳужум қилиб қолди. Улар Мадатов томонга ёпирилиб келардн. Мадатов анойилардан эмасди. Серқасидан ажралган ёв бўриларининг йўлини тўсиб, шиддатли ўқ узиб, уларни ҳам орқага чекинишга мажбур этди.

Лекин душман ўша тепаликдан ҳали умидини узмаган эди. Унинг яна тўрт танки ғимирлаб, тепалик томонга юриш бошлади. Мадатов душманнинг олдинда келаётган танкини аниқ мўлжалга олиб ўқ узди. Танк тутаб ёна бошлади. Душманнинг бошқа танклари эса Мадатов ётган жойга ёппасига шиддатли ўт оча бошлади. Жангчи ётган жой чанг-тўзон ичида қолиб кетади. Олисдан бу воқеани кузатиб турган командирларимиз, Мадатов ҳалок бўлди деб ўйлайдилар. Лекин мард ўзбек йигити жойида маҳкам турган эди. Фақат у яраланган эди. Лекин жойини ташлаб кетмади. Аксинча яраси ни ўзи боғлаб, ўзини дадил тутиб, гитлерчиларнинг иккинчи танкини ҳам ўқ узиб, аланга олдирди. Ёвнинг қолган икки танки олдинга бетолмади. Мадатов ғолиб чиқди.

Жангчи Абулқосимнинг мардлиги, ёвга дахшат солиб танккирувчи баҳодирлиги бутун фронтга ёйилди. Уни Қўмондонлик орден билан мукофотлади. Езувчилар, журналистлар унинг бўлинмасига келиб, мард жангчининг қаҳрамонлиги ҳақида шеърлар ва очерклар ёздилар.

Танктешар қурол мерганн Абулқосим Мадатов ҳақида фронт газетасининг ходими капитан Артём Ажимамудов «Баҳодир» деган очерк ёзди. Унинг очеркида қуйидаги сўзлар ёзилган эди. Бу тепаликда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Унинг жанглар билан юз километрлаб йўлни бирга босиб энг яқин дўсти-шериги жанг арафасида яраддор бўлди. Бу ерда Абулқосим Мадатовнинг якка ўзи танк тешар қуроли билан ётар ва гитлерчиларни кутар эди. Броня тешувчи қўрқмас жангчи ўз ўқчи бўлинмасидан олдинда атиги 200 метрлик масофада жойлашди. Бу ердан туриб нечме танкларини жуда боплаб уриш мумкин.

Йигирма яшар баҳодир то иккинчи фашист танки тутаб ёнгунча ва тепалик орқасига думалаб тушгунча жанг қилди. Қолган икки танк орқасига чекинди, немис автоматчилари эса унинг орқасидан қоча бошладилар.

Мадатов ёнидан атакага кўтарилган Совет пиёда аскарлари бўлинмалари олдинга ҳужум қилиб ўта бошладилар. Улар душманни тор-мор қилиш ва уни ғарб томонга ҳайдашга интилар эдилар.

Кечқурун немислар тепаликдан суриб чиқарилганда, комсомол ташкилоти шу жанг қаҳрамони ефрейтор Абулқосим Мадатовни комсомол сафига қабул қилди.

Юқорида ёзилган сатрлар «Фронт ҳақиқати» газетасида эълон қилинди. Газетанинг кейинги сонларида машҳур танк тешар Мадатов ҳақида шеърлар пайдо бўлабошлади. Узбек тилида чиқадиган фронт газетасининг ҳарбий мухбири лейтенант Адҳам Ҳамдам Мадатов хизмат қилаётган қисмга борди. Абулқосим Мадатов ёвнинг танкларини ёндирган ва жонли кучини ўққа тутиб, яксон этиб, ғолиб турган тепаликни бориб кўрди. Душманнинг икки танки қияликда куйиб, қорайиб, хомуш турарди. Унинг атрофида Мадатов отган ПТР ўқларининг гилзалари сочилиб ётарди. Қисм командири ва жангчилар Мадатовнинг жасоратини гуурланиб ҳикоя қилардилар.

Хушхаво тоғли Бахмал райондан бўлган баҳодир Мадатов ҳақида шоир ўзининг қўйидаги «Жангчи Абулқосим» деган шеърини ёзди:

Ғувуллаб учар шамол,
Кўк бетида булутлар.
Майдонни айлаб қамал,
Жанг бошлади йигитлар
Тепаликка югурди,
Абулқосим жанговар.
Кўринган ёвни қирди.
Зафар бўлди унга ёр.
Яраддор бўлди дўсти,
Танк келмоқда узоқдан.
— Ёв ҳеч қочиб қутулмас,
Мен ясаган тузоқдан!—
Деди, баҳодир йигит,
Жанг бошлади қаҳрамон.
У жанг қилган шу куни
Қойил қолди ер-осмон.
Ев устига ёғилди,
Ажал ўти-кўргошин.
Абулқосим қизишди,
Гўё бўлиб оташин.
Мадатов очган ўтдан
Фашист танки совурилди;
Аламга тўлган фриц,
Ўт ичида қоврилди.
У жангда топиб зафар,
Вафо қилди аҳдига.
Ёв қайтиб келолмади
Баҳодирнинг шаҳдига.
Довруқларинг таралсин,
Жангда ботир паҳлавон.
Зафарга юр, қамол топ,
Минг йил яша, қаҳрамон!

Жангчи Мадатовнинг душман танкларига қарши жанг қилиб ғолиб чиққанлиги ҳақидаги хабар ўша вақтда фронт газетасида ҳарбий мухбир бўлиб ишлаб турган майор, машҳур совет шоири Михаил Львович Матусовскийни ҳам илҳомлантириб юборди. У ҳам кўркмас танктешар ўзбек йигитига бағишлаб қўйидаги балладани ёзди:

Олов билан қонланган,
Танк ҳақида сўзлайман.
Абулқосим Мадатов
Жангини мен сўзлайман.
Унинг отган ўқидан,
Танкни қоплар аланга.
Жангчи қаҳру шиддати
Ёвр эди оламга...
Жангчи қалбин олови
Сўниш билмас ҳеч қачон.
Мадатовдай жангда сен,
Ботир бўлиб, ур жавлон!

Жангчи шуҳрати мангу олов каби асло сўнмайди. Абулқосим Мадатов жанг майдонларида мислсиз жасорат кўрсатиб, гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда шон-шуҳрат қозонди. Кўксини орден ва медаллар безади. Урушни Берлин яқинидаги Эльба дарёсининг бўйида томомлади.

Мадатов Белоруссияни фашист босқинчилардан озод қилиш жангларида ПТР билан шуҳрат қозонган бўлса, Польшада ва Германияда фашист газандаларни батамом тормор этиш жангларида 77 мм. танкка қарши отадиган тўп командири бўлиб қатнашди. Сержант Мадатовнинг тўп расчётида 5 киши хизмат этар эди. У бўлинмада жангчи Михаил Пискунов ҳам бор эди.

Мадатов урушнинг охирида Венгрияда Дунай дарёси бўйида ҳам гитлерчилар танкларига қарши жангларда қатнашди.

— Урушнинг охири эди,— деб эслайди Абулқосим ака.— Зангори Дунай соҳилларида жанг борар эди. Гитлерчилар мағлуб бўлаётганликларига кўзлари етиб турган бўлишига қарамай, қолган-кутган техника ва одам кучларини жангга ташларди. Ана шундай шиддатли танк жанглари Дунай соҳилида ҳам бўлди. Бу ерда ҳам Абулқосим ғолиб чиқди. Қўмондонлик уни II-даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади. Бундан ташқари унинг Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа медаллари бор.

Сержант Абулқосим Мадатов урушни ғалаба билан тамомлаб, 1945 йилнинг ноябрь ойида Германиядан, Эльба дарёси бўйидан Зарафшон соҳилига, ўзи туғилиб ўсган Бахмал районининг Кўкилбой қишлоғига қайтиб келди. Уйланди, оила қурди. «Бахмал» совхозида ғаллакор бўлиб ишлади. Қадрдон қирларда олтин ороллар яратди. Оиласида 8 фарзанд туғилиб, вояга етди. Катта ўғли Совет Армиясида хизмат қилиб, отаси ёнига қайтиб келиб, ҳозир совхозда бирга меҳнат қилмоқда.

Абулқосим ака ҳозир пенсияда, зафар нашидасини, қаҳрилик ғаштини суриб юрибди. У Улуғ Ватан уруши ветеранн, кекса ғаллакор сифатида учрашувларга бориб туради. Узининг мамлакатнинг турли жойларида тинч ижодий меҳнат билан шуғулланиб келаётган жанговар полкдош дўстлари билан алоқа боғлаб, уларникига бориб-келиб туради.

Яқинда Абулқосим ака Москва, шоир Михаил Матусовскийникига бориб меҳмон бўлди. Икки жанговар дўст фронт йилларини эслашди. Бу учрашув ҳақида журналист С. Савельевнинг «Ўттиз икки йилдан сўнг» очерки «Красная звезда» газетасининг 1976 йил 9 октябрь сонида босилиб чиқди.

Журналист С. Савельев собиқ жангчилар, полкдош дўстлар Абулқосим Мадатов ва шоир Михаил Матусовский билан биргаликда Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабри ёнига бориб, сукут сақлаб турганларида полкдош шоир бу чучук ҳаяжонли учрашув ҳақида янги баллада ёзиш нияти билан тургандир деб ёзади.

Абулқосим ака ҳозир Одесса шаҳрида истиқомат қилиб турган фронтчи қаламкаш дўсти Артём Аджимамудовдан, Белоруссия ССРнинг Минск областидаги Копейное қишлоғида турувчи полкдош дўсти запасдаги старшина Михаил Семенович Пискуновдан ҳам хат-хабарлар олиб туради.

Жанговар йиллар шуҳрати, жанговар дўстлар қадри асло унутилмайди. Қўшиққа отланган дўстлик сатрлари дилларда ва тилларда ҳамма вақт бирдай янграйди.

НАЗАРМАТ.

БУ ЙИЛ совет кишилари ва бутун жаҳон афкор оммаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини тантанавор нишонлайди. Совет давлатининг 60 йиллик тарихида Улуғ Ватан уруши, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади. «Совет кишиси меҳнатдаги жасоратлари ва ижодий зафарлари билан, Улуғ Ватан уруши даҳшатли синовларидаги қаҳрамонона матонати ва мардлиги билан, бутун дунёдаги синфдош қардошлар тақдири тўғрисидаги беғараз ғамхўрлиги билан ўзининг коммунизм идеалларига чуқур садоқатини, ўзининг ота-шиҳ ватанпарварлиги ва интернационализмини исботлади», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида. Бугун биз ана шундай совет кишиларидан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

ВИСЛАДАГИ ЖАСОРАТ

ОЧЕРК



...ВИСЛА ДАРЁСИНИ кечиб ўтиш тахминан 20 январларга мўлжалланган эди. Шу орада хунук хабар эшитилди. Иттифоқчиларимиз қўшинлари Арден ёнида мушкул аҳволга тушиб қолишибди. Совет армияси ҳужумини барвақт бошламаса гитлерчилар америкаликларнинг тит-питиғини чиқариб юбориши мумкин эди. Шу боисдан фронт штаби бошлиғи генерал-полковник М. С. Малининг ВЧ орқали Висла операциясининг ҳадемаёқ бошланиш эҳтимоли борлиги, шунинг учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида барча дивизияларга, полкларга сим қоқди.

Штаб бошлиғининг таҳминлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Эртасигаёқ ҳужум куни аниқ бўлди: 14 январь! Ҳамма шошиб қолди. Аввалги оғир жангларда ҳориган, анчагина талафот кўрган роталарни, батальонларни, полкларни, қисқаси, бутун бошлиқ армияни тартибга солмоқ, бутламоқ, ҳиёл дам бермоқ, руҳини кўтармоқ керак эди. Бунинг учун эса оз, жуда оз фурсат қолганди. Олти-саккиз кун ичида нима ҳам қилиб бўларди?! Начора, армияда бундай гап кетмайди. Қилиш керакми, вассалом, қилинади!

487-ўқчи полкининг 2-батальони командири майор Олим Ҳакимов ҳам зир югуриб қолди. Икки-уч соатда столда ўтириб, мудраб олганини ҳисобламаганда, деярли у ором нимаligини билмасди. Гоҳ у ротада, гоҳ бу ротада пайдо бўларди. Взвод командирлари билан алла-паллагача суҳбат ўтказарди. Ҳатто отделениедаги айрим солдатлар билан бир зум бўлса ҳам сўзлашишга вақт топарди.

Бир куни у тонг пайти Висла қирғоғига йўл олди, дарёни кўздан кечирмоқчи бўлди. Мана, унинг нигоҳи қаршисида теп-текис ойнадек яланглик намоён бўлди... Висла! Висла!.. Қадимий замин узра сокин оқаётган бу улкан ўзан унинг севимли қишлоғидаги дарёга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Чирчиқ ва Висла...

Олим ёшлигидан дарё бўйида соатлаб ўтиришни жонидан яхши кўрарди. Зотан у кўзини очиб жозибадор, дилкушо, сеҳрли обиҳаёт замзамаси — Чирчиқ дарёсини кўрган эди. У ана шу Чирчиқ бўйида ўсди, камолга етди. Асов болалигининг ҳар бир дақиқаси гувоҳи бўлган, унинг энг кувончли соniяларини мунаввар этган, оний ташвишларини сахий юрагидан ювиб ташлашга қодир бўлган бахрул-умон ана шу дарён-азим — Чирчиқ эди.

...13 январь оқшомида Олим Ҳакимовни дивизия штабига таклиф қилишди. Ертўлада офицерлар йиғилди. Дивизия командири генерал-майор М. Заикин, штаб бошлиғи полковник А. А. Житниклар стол устидаги картага эгилишган.

— Ўртоқлар, — деб гап бошлади Митрофан Моисеевич Заикин, — бир неча соатдан сўнг Висла операциясини бошлаймиз. 1-Белоруссия фронтининг қўмондони маршал Георгий Константинович Жуковнинг буйруғи ана шундай. Висланы биринчи бўлиб кечиб ўтиш вазифаси 143-Конотоп—Коростень ўқчи дивизиясининг 487-полки составидаги 2-батальон зиммасига юкланади. Унинг командири Олим Ҳакимов, майор, эшитдингизми!..

Йўлда келаркан Олимнинг юраги ўзгача важоҳат билан талпинарди. Шундай катта масъулиятни унга ишониб топширишди-я!.. Бу жуда буюк ишонч ва шараф. У бу вазифанинг уддасидан, албатта, чиқади. Ахир, Олим биринчи кун жанг қилаётгани йўқ-ку...

ТЎҒРИ. У беш йилдан буён Совет Армияси сафида эди. 1939 йилнинг октябрида армияга чақирилган қишлоқ йигити Олим Ҳакимов Белоруссиянинг Гомель шаҳрида алоқачи солдат сифатида хизмат ҳидан яширишда ажойиб ниқоб ролини ўйнади.

14 январга ўтар кечаси барча қисмлар фронт чизиғида ўз ўрнини эгаллади. Кундузи билан кузатиш олиб борган сапёрлар тунда музни синаб кўришди. Жойида! Унинг устидан нафақат одамларгина, залварли оғир тўплар ҳам бемалол юриши мумкин. Энди ҳамма гап сигналга боғлиқ бўлиб қолди.

— Қаршимизда душманнинг тиш-тирноғигача қуролланган, Гитлер гейералитетидан мутлақо чекинмаслик тўғрисида махсус буйруқ олган қўшинлари турарди, — деб ҳикоя қиларди сухбатдошимиз, — фашистларнинг 9-армиясига ашаддий вахший генерал Люттвиц қўмондонлик қиларди. Ҳужум арафасида у Висланы совет қўшинларининг қабристонига айлантираман, деб мақтанди. У ҳар бир қарич ерни, ҳар бир уйни, ҳар бир чуқурлик ва бутазорни истеҳкомга айлантирган эди. Немисларнинг олдинги линиялари тиканли симлар билан зич ўраларди, ҳар қадам ер миналаштирилган эди. Ана шундай вазиятда Висланинг у қирғоғига ўтиш талаб қилинарди.

Кейин полк мактабида тахсил олди. Ўқиб юрган пайтларида партия сафига қабул қилинди. Бироздан сўнг ёш коммунистни Ленинградга, Энгельс номли ҳарбий-сиёсий мактабга ўқишга юбордилар.

1941 йилнинг машъум тонгида улар Красное село лагерида ҳарбий машқлар ўтказмоқда эдилар. «Уруш бошланибди!» деган сўзни у ана шу ерда эшитди. Бир неча кундан сўнг унинг нотекис, оғир, хавф-хатарга тўлиқ фронт йўли бошланди. Ҳали бу маҳалда у фронт йўлининг жуда узоқ чўзилишидан, бу йўлнинг бир неча қардош республикалар, мамлакатлар, соҳи-саноқсиз шаҳар ва қишлоқлар, дарё ва довонлар, ўрмон ва ботқоқзорлардан ўтишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ниҳоят, Калинин фронти, 265-ўқчи дивизия, 900-полкнинг миномётлар батальонида рота командирлигини қабул қилади.

— Ўша пайтда Ржев шаҳри остонасида қонли жанглар борарди, — дейди у, — Зубцово шаҳри учун бўлган олишув, айниқса, шиддатли бўлди. Курск остонасидаги ҳамда Севск шаҳри учун олиб борилган жанглар тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилди. Чунки ўша тўқнашувларда совет солдатининг қаҳрамонлиги алоҳида намоён бўлган эди.

...БАТАЛЬОН КОМАНДИРИ Митрофан Моисеевич Заикин олдидан ўз қисмига қайтиб келганидан сўнг солдатларга ўша Ржев, Курск, Севск жангларида ўз кўзи билан кўрган, бекиёс фидоийлик, жасорат, садоқат рамзи бўладиган мисоллардан гапириб берди. Одамларнинг кўзи Висланы, қулоғи эса командирда эди.

1945 йилнинг 14 январига ўтар кечаси. Соат 10. Ер ларзага келди. Тўплардан, миномеtлардан, «Катюша»лардан отилган замбараклариинг даҳшатли гумбурлашлари бутун борлиқни тутди. Бошланди!

Батальон қўзғалди. Қорнинг нимқоронғулигида солдатлар дарёдан, муз устидаги ўта бошладилар. Қисмнинг ўртасида келаётган батальон командири бир меъёрда юриб борарди. Ана, қорайиб кирғоқдаги дов-дарахтларнинг илдизлари кўринди. Яна пича юрилса, кирғоққа етилади. Яна пича, яна пича... Атрофга душман ўқларининг ёмғири ёғилмоқда.

Жангчилар жуда қийин маъшаққатлар билан катта қурбонлар бериб душман мудофаасини ёриб кирди, биринчи ва иккинчи линияларни эгалладилар. Бу ҳақда зудлик билан қўмондонликка маълум қилинди.

— Буюраман, тонг отгунча қандай бўлмасин плацдармни эгаллаб туринг, — рациядa дивизия командирининг ҳаяжонли овози эшитилди, — Тушунаяпсизми, майор, албатта ушлаб туринглар!

Аҳвол тобора оғирлаша борди. Туни билан душман беш марта ҳужум қилди. Аммо ҳеч нарсанинг уддасидан чиқа олмай орқага қайтишга мажбур бўларди.

— Ўртоқлар! Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ, — ҳавода батальон командирининг таниш овози жарангларди, — охирги патрон ва сўнгги томчи қонимиз қолгунча курашамиз! Кўз кўрқоқ, қўл ботир! Ботир бўлинглар, ўртоқлар, ёв, албатта, маҳв этиладi!..

2-батальон оғир вазиятга қарамай плацдармни эрталабгача сақлаб туришга, бир кечада ёвнинг 40 автомашинасини, 25 солдатини, 7 офицерини, 6 миномётини, 4 тўпини, 1 танкини экипажи билан қўлга туширишга муваффақ бўлди. Бу орада 2-ўқчи дивизиямиз ва танк корпусимиз тиклаган кўприкдан ўтиб кела бошлади.

Висла операциясининг биринчи кунидаги 2-батальоннинг муваффақиятли ҳужуми туфайли генерал П. А. Беловнинг 61 армияси Магерова Воля, Дембноволя, Юзефув чегарасига чиқиб олди. Генерал-лейтенант Н. Э. Берзаринниng 5-зарбдор армияси, генерал-полковник С. И. Богдановнинг 2-гвардиячи танк армияси 120 километрлик ўпирилишни вужудга келтирдилар. Генерал Ф. И. Перхорович қўмондонлигидаги 47-армия эса Чонстков—Ломна, Дзеканув Польски, Кемпа Келпинска районларидаги плацдармларни қўлга киритди. Энг муҳими, Польша пойтахти Варшаванни озод этиш имконияти яратилди.

Висла операциясида жасорат ва матонат кўрсатганликлари учун 1-Белоруссия фронти таркибидаги Қизил байроқли, Суворов орденли 143-Конотоп—Коростень дивизиясининг 12 жангчи ва офицерига энг юксак мукофот — Совет Иттифоқи Қаҳрамони номи берилди. Улардан саккиztаси 487-полкнинг 2-батальонидан эди. Рўйхат бошида ўша батальон командири Олим Ҳакимовнинг фамилияси бор эди.

...ОНА НУРИДИЙДАСИНИ етти йил кутди. Ниҳоят онаизорга энг буюк бахт насиб этди. Кўксини қатор-қатор орден ва медаллар безаган ўғлонини қайта бағрига босди.

Ҳозир О. Ҳакимов кўп нишлик коллектив — пойтахтимиздаги «Дружба» кинотеатрига раҳбарлик қилмоқда. У тез-тез ишчилар, мактаб ўқувчилари, ёшлар билан учрашувларда бўлиб туради. Ўшанда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олим Ҳакимов Висла операцияси ҳақида сўзлашни ҳам унутмайди.

Р. УМАРОВ.



ОҚҚЎРҒОН районидаги Эрнст Тельман номли 4-мактабда мунтазам чиқариб турилаётган деворий газеталарнинг навбатдаги сони Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти ташкил топган кунининг 59 йиллигига бағишланди. Суратда: деворий газета редколлегия аъзолари иш устида. И. Зайниддинов фотоси.

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

«ЯНГИ ҲАЁТ» посёлкасининг бугунги қиёфаси ўзгача. Ҳозир бу ерда юздан ортиқ замонавий турар-жой, маданий-маиший бинолар қад кўтарди. Икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи ишга тушди.

Посёлканинг марказий кўчасида жойлашган бинолар алоҳида бир ансамблни ташкил этади. Клуб, икки қаватли болалар боғчаси, саккиз йиллик мактаб бинолари, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари посёлканинг кўркига-кўрк қўшиб турибди.

А. НАВРЎЗОВ,
Оҳангарон райони.

107 ЁШЛИ БОБО

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида яшовчи Маҳмуд бобо Ҳасанов 107 ёшга кирди. Унинг 4 ўғли, 1 қизи, 25 невара ва 13 чевараси бор. Бобо боғ ишларини ўзи бажаради. У яқинда Усмон Юсупов номли 44-ўрта мактаб ўқувчилари билан учрашиб, болаларга ҳаётий тажрибалари ҳақида гапириб берди.

Н. ТЎФОНОВ.

РУС ТИЛИ ТАДҚИҚ ЭТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтида янги илмий сектор тузилди. Бу ерда мамлакатимиз барча миллатлари ҳамда элатлари ўзаро гаплашадиган тил — рус тилини чуқур ўрганишнинг назарий асослари тадқиқ этилади, рус тилини ўрганиш, Ўзбекистон мактабларида ва бошқа ўқув юртларида рус тили ўқитишни яхшилаш проблемалари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Янги сектор Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсиялари асосида тузилди. Бу конференцияда миллий мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўрганиш тажрибаси умумлаштирилган эди.

— Ўзбекистон одимлари, —деди институт директорининг ўринбосари, филология фанлари доктори Э. И. Фозилов,— рус тилини ўрганиш билан боғлиқ илмий проблемалар устида самарали ишламоқдалар. Уларнинг асарлари, тадқиқот тажрибаси кенг эътироф этилди, жумладан, бу асарлар, тадқиқотлар тилшуносларнинг юқорида айтилган Бутуниттифоқ конференциясида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Институт коллективи ҳозир янги икки томлик русча-ўзбекча луғат тузиш соҳасидаги ишни поёнига етказмоқда. Бу луғат ҳозир мавжуд луғатлар орасида энг тўлиқ, энг тўлиқ ва энг замонавийси бўлиб, унга қарийб саксон минг сўз киритилади.

Ихтисослаштирилган илмий секторнинг тузилиши рус тили соҳасидаги изланишларни чуқурлаштириш, тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛЛАРИ

Севимли санъат қошонаси — Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри бу йил бир неча спектаклни томошабинларга армуғон этади. Буларнинг аксарияти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган.

Ижодий коллектив «Прометей, оловни ташлаб юборма» деган асар устида ҳам қизғин иш олиб бормоқда. Атоқли ёзувчи Мустай Каримнинг шу пьесаси асосида саҳна юзини кўрадиган бу спектакль СССР халқари драматургияси Бутуниттифоқ фестивали арафасида кўрсатилади.

Езувчи Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» асари бўйича таййорланаётган спектакль ҳам театрнинг шонли юбилейга муносиб ижодий совғаси бўлади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

ЛИССАБОН, 22 февраль. (ТАСС). Португалиянинг демократик жамоатчилиги, совет халқининг шу мамлакатдаги дўстлари бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини кенг нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Бутун дунё меҳнаткашларининг ана шу байрамига бағишланган тадбирларни амалга оширишга киришилди. Бу ишларда «Португалия — СССР» дўстлик жамияти фаол қатнашмоқда. Мамлакатдаги демократик зиёлилар намояндаларининг куч-ғайрати билан жамият Совет Иттифоқи тўғрисида туркум лекциялар уюштирди. Юбилейга бағишланган дастлабки лекцияларда жуда кўп киши қатнашди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул — тарихий аҳамияти мавзуидаги лекция катта муваффақият билан ўтди. Лекцияни Португалиянинг машҳур публицисти Сезар ди Оливейа ўқиди.

Португалияда Совет Иттифоқининг ҳаётига қизиқиш тобора кучаймоқда. Бу ерда португал тилида нашр этилаётган совет китоблари тобора кўп тарқатилмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚИНИ ПОЙМОЛ ҚИЛМОҚДАЛАР

ВЕНА. Германия Компартияси правлениесининг аъзоси Гейнц Ветцель ТАСС мухбирига бундай деди: Германия Федератив Республикасида инсон ҳуқуқи кўп йиллардан бери қўпол равишда поймол этилмоқда, бу эса БМТ уставига ва Умумевропа кенгашининг Якунловчи актига тамомила хилофдир. Гейнц Ветцель Венада «Социал шериклик» деб аталган мавзуда ўтказилган илмий семинарда қатнашди.

1972 йилда «Радикал унсурлар тўғрисида» деган бир қанча акт ва декретлардан файдаланмоқдалар. Турли доиралар демократлаштириш учун яқдил кураш олиб бормоқдалар.

Бу баёнот Бразилия жамоатчилигининг кенг табақалари ҳозирги аҳволдан норози эканлигини кўрсатувчи далилларнинг яна биридир. Ёзувчилар, рассомлар ва зиёлиларнинг бошқа вакилларидан бир мингдан ортиқ киши яқинда маъмурларга мактуб билан мурожаат қилдилар. Улар бу мактубда мамлакатдаги мавжуд қаттиқ цензурани бекор қилишга даъват этдилар. Руҳонийларнинг миллий конференцияси Бразилиядаги полиция бебошлиги, қамоққа олиш ва қийнашларни қоралади.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЛАБИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 21 февраль. (ТАСС). Бразилия демократик ҳаракати Бразилияда рухсат берилган ягона оппозициячи партиядир. Бразилия демократик ҳаракати мамлакатдаги жамоат ҳаёти демократлаштирилсин ва ҳозирги режимни танқид қилувчиларни таъқиб қилиш тўхтатилсин, деб талаб этди.

Бразилия демократик ҳаракати миллий ижроия комиссиясининг баёнотида бундай дейилади: расмий йўлга қўшилмаганлигини дадил изҳор қилган кишиларни овозини чиқармасликка мажбур этмоқдалар, шу мақсадда ҳуқуматга фавқулодда ваколатлар берадиган ва амалда конституция ўрнини босадиган ёмғирдек ёғдирилмоқда. Ҳарбий суд ҳукмига кўра, 1976 йилнинг октябрида 2 минг 500 киши ҳибсга олинган. Ҳозирги вақтда 1 минг 500 дан ортиқ киши ҳибсда сақланмоқда.

ЖУДА КАТТА ВОҚЕА

РИМ. Италиянинг таниқли жамоат ва сиёсий арбоби, тинчлик учун кураш жаҳон ҳаракатининг ветерани, Италия Коммунистик партияси Марказий контроль комиссиясининг аъзоси Амброжо Донини Улуғ Октябрь социалистик революцияси жуда катта аҳамиятга молик воқеа, у жаҳон тарихининг бутун боришини ўзгартириб юборди, деб айтди.

1917 йилги революция ҳозирги дунёнинг қиёфасини ўзгартирди ва Европадагина эмас, балки шунингдек, Осиё, Америка ва Африканинг ривожида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди, деди у, ТАСС мухбири билан суҳбатда.

ҚИММАТЧИЛИК ҲАДДАН ОШИБ КЕТДИ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда пул тобора қадрсизланмоқда. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, мамлакатда кун кечириш қиймати январь ойида 1,8 процент ошди. Бу эса кейинги бир ярим йил ичида қимматчилик энг кўп даражада ўсганлигини билдиради.

Министрликнинг маълумотларига қараганда, деярли барча озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетди. Айниқса, нон, гўшт, сут, пишлоқ, сабзавот, мева, кофе, товуқ ва тухум нархи анча ошган. Америкаликлар 1967 йилда юз доллар турган озиқ-овқат маҳсулотларини 1977 йил январь ойида 175,3 долларга сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар.

(ТАСС, 21 февраль).

КИПР ХАЛҚИНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

НИКОЗИЯ. Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси баёнот эълон қилди. Баёнотда республика президенти архиепископ Макариоснинг 27 январда ва 12 февралда Р. Денкташ билан бўлиб ўтган учрашувлари Кипр халқининг Кипр масаласини БМТ қарорлари асосида тинч, демократик ва одилона тарзда ҳал этиш учун олиб бораётган курашида янги йўл очиб беради, дейилади. 31 мартда жамоалар ўртасида бошланадиган музокараларнинг асосий йўналишлари тўғрисида битимга эришилганлиги шу учрашувларнинг энг муҳим якунидир.

Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Москванинг «Динамо» ва Марказий армия спорт клуби футболчилари Болгарияда меҳмон бўлиб туришибди. Динамочилар Софияда маҳаллий «Левски—Спартак» командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғолиб келишди. Марказий Армия спорт клуби футболчилари эса «Септемврийско знаме» армиячилар командаси билан бўлган ўйинни 0:0 ҳисобида тугатишди.

Киев динамочиларининг Европа кубоги мусобақаларидаги рақиблари бўлган Мюнхеннинг «Бавария» футболчилари Германия Федератив Республикаси кубоги чорак финалида қўшимча вақтда «Херта» командасига 2:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Бразилия футболчилари Колумбияда жаҳон чемпионатининг дастлабки расмий саралаш ўйинини ўтказишди. Учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

ФИНАЛГА ИУЛЛАНМА

Шяуляй шаҳрида қўл тўпи бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган командаларнинг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда республикамиз спорт шарафини Ўзбекистон Давлат физкультура институти командаси ҳимоя қилди. Спортчиларимиз беш учрашувнинг учтасида мағлубиятга учраб, иккитасида ғолиб келишди. Биринчи даврада тўртта очко тўпланган спортчиларимиз иккинчи турда ҳам тўрт очко олиб, кучли олтиликдан жой олишди ҳамда келаси йил олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берадиган даъвогарлар бахсида иштирок этишадиган бўлди. Финал ўйинлари март ойида ўтказилади.

ТОШКЕНТЛИК МЕРГАННИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Москва шаҳрида камондан отиш бўйича СССР Қуролли Кучларининг қишки биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда Туркистон ҳарбий округи мерганлари ҳам иштирок этишди. Ҳамшаҳримиз Наташа Бутузова «М-1» машқида 1198 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади ва олтин медаль эгаси бўлди. Спортчимиз 30, 50, 60 ҳамда 70 метрларга бўлган мусобақаларда ҳаммадан кўп очко тўплай олди. Яна бир вакилимиз Эмма Гапченко эса кўпкурашда 1196 очко тўпладн ва учинчи ўрин билан бронза медалига сазовор бўлди.

ИТТИФОҚДА ИККИНЧИ

Ростов-Дон шаҳрида ёш полвонлар ўртасида мамлакат шахсий мусобақалари бўлиб ўтди. Кучли полвонлар иштирок этган бу мусобақада қатнашган тошкентлик спорт мастери Александр Баранов 74 килограммгача вазнлилар баҳсида беллашиб, иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Ректама ва эълонлар

Телевидение

БУГУН

23 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — «Шимолий флот юнгаси» (бадиий фильм). 11.55 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.00 — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 17.00 — «Бургутча» (бадиий фильм). 18.15 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. СССР Мудофаа министри ўринбосари, Ҳарбий-Ҳаво кучлари Бош қўмондони, авиация бош маршали П. С. Кутаховнинг сўзи. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — «Белорус вокзали» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Хоккей: ЦСКА — «Динамо» (Рига). 00.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Шаҳарлараро телефон станцияси эшитади. 20.55 — Физика.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физика. 12.00 — Фильм-концерт. 12.30 — Физика. 13.00 — «Қизил майдон» (бадиий фильм, 1-серия). 18.30 — «Қизил галстук». 19.00 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари генерал-майор Л. Ф. Кадацкий сўзи. 20.10 — Жангговар шоншуҳрат клуби. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Жангчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахтакорларнинг баҳорги ташвишлари. 22.45 — В. Ғафуров. «Вафодор» (кўп серияли телеспектакль. 3-қисм).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23ІІ да Пўртана, 24ІІ да Келинлар қўзғолони (билетлар сотилган), 25ІІ да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23ІІ да Жоним фидо, 24ІІ да Олифта, 25ІІ да Ужалар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23ІІ да Беш кунлик нуёв (17.30), 24ІІ да Ишқ қурбонлари (16.00), 25ІІ да Фаҳат аҳл сотилмайди (17.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ГРУЗИЯ ЦИРКИ» коллективи ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «ЎЗБЕКИСТОН ИИГИТЛАРИ» коллективининг чиқишлари (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ (катта зал) — Ҳимоя учун сўз (кундуз ва кечқурун).

Ҳимоя учун сўз — «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.30), «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Кексалар учун эрмак — «ЯНГИОБОД» (11, 13, 15, 17, 19.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 14201. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1569.